



Ўқув йиғини

Ёш ходимларнинг соҳага оид билим ва тажрибаларни пухта ўзлаштириб, ҳар томонлама етук бўлишларига эришиш Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг доимий диққат марказида.

ЕТУК ХОДИМЛАР — СОҲА ТАЯНЧИ

Фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб, ички ишлар идораларининг офицерлар таркиби лавозимларига тайинланган ходимлар билан касбий тайёргарлик бўйича ИИВ Академияси дала полиго-нида ўқув йиғини ташкил этилганининг боиси ҳам шунда. Бу ерда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган, ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тергов ва бошқа хизматлар йўналишлари бўйича фаолиятини энди бошлаган ёш ходимлар соҳага оид билимларини бойитди.

Уларга сертификат топшириш маросими ҳам тантанали тарзда ўтди. Гарчи, ёмғир томчилаб турган бўлса-да, саф майдонида ҳозир бўлганларнинг юзларида кўтаринки кайфият зоҳир. Дилга хуш ёқувчи мусаффо табиат ҳавосидан тўйиб-тўйиб баҳра олгингиз келади.

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Мирзаев ва бошқа соҳавий хизматлар раҳбарлари минбарга кўтарилгач, ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор Ш. Икрамов тингловчиларни кутлар экан, уларнинг бу ерда олган билимлари келгуси фаолиятида муҳим ўрин тутишига ишонч билдириб, юртимиз тинчлик-осойишталигини асраш йўлидаги шарафли хизматларига омад тилади.

(Давоми 2-бетда).



Шифокорлик дунёдаги шарафли касблардан бири. Бу касб соҳибларининг меҳнати улғу, хайрли. Уларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиши эътирофга молик, фидойилиги, жонкуярлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Зотан, тиббиёт ходимларининг барча савий-ҳаракатлари инсон саломатлигини асрашдек эзгу мақсадга қаратилгандир.



Мамлакатимизда истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, қишлоқ

Саломатлигимизнинг ишончли посбонлари



жойларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш каби жабҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Буларнинг барчаси бугун фуқароларимиз ҳаёти, саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётир.

Халқаро экспертлар томонидан бот-бот эътироф этилаётган юртимиз тиббиёт соҳасида эришилган улкан муваффақиятларда ички ишлар идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган саломатлик посбонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда республика ИИВ Тиббиёт бошқармасига қарашли Марказий госпитал, Марказий поликлиника, Стоматология поликлиникаси ва бошқа ўнлаб соғлиқни сақлаш муассасаларида ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлган қўли энгил шифокорлар, ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда тиббиёт ходимлари кунини сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан ИИВ тиббиёт муассасалари фаолиятига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 8-9 саҳифаларида танишасиз.

ҚИЗЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛДИ



Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг касб-ҳунарли бўлишига жуда катта эътибор қаратиляпти. Жойларда кўплаб ўқув курслари ташкил этилиб, уларга назарий билим ҳамда амалий кўникмалар берилмоқда. Жумладан, республика ИИВ Академиясида таълим олаётган қизлар учун пойтахтимиздаги ўқув маркази томонидан бир неча курслар ташкил этилди.

Унда Академия тингловчилари ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида таҳсил олаётган курсант қизларга

уй-рўзгор ишларини ўрганиш ва оила-турмуш кўникмаларини эгаллаши учун миллий таомлар, торт, пишириқлар тайёрлаш ҳамда тўқувчилик бўйича машғулотлар ўтилди. Ўқув жараёнида қизлар ҳар хил салатлар тайёрлаб, дастурхон тузаш сирларидан ҳам сабоқ олишди. Тўқувчилик курсида эса пайпоқ, шарф, юбка, жемфер, нимча тўқиш усулларини ўрганишди.

Курс якунида тингловчи ва курсант қизлардан ўзлари танлаган йўналиш бўйича синов имтиҳонлари олиниб, уларга сертификатлар топширилди.

Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,
кичик сержант.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

УШБУ
СОҲДА

Ғамхўр шифокор



4-бет

Меҳрибон устоз эди



11-бет

12-бет



СИНОВ МУДААТИ

ТАЛОНЧИ МЕЗБОНЛАР



13-бет

ҲАММАСИ ЖИЗЗАҲДА АНИҚЛАНАДИ

14-бет





Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино 17 ёшидаёқ ўз даврининг энг машхур табиби деб тан олинган-ди. У ўзи тайёрлаган дориларни аксарият ҳолларда биринчи бўлиб ўзида синаб кўрган. Шу орқали кўплаб беморларни ўлимдан сақлаб қолган. Эвазига эса ҳеч нарса сўрамаган. Кунларнинг бирида Бухоро амири касал бўлиб қолади. Даволаш учун табибни саройга чақиради. Ибн Сино уни тезда даволайди. Амир хурсанд бўлиб, мукофот тариқасида ундан нимани исташини сўрайди. Шунда буюк табиб, олтину жавахирларни эмас, сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат сўрайди.

Ривоят

АБУ АЛИНИНГ ҲАЗИЛИ

Бир олим ўзи ёзган китобни Абу Али ибн Синога (мақтаниш учун) кўрсатди. Абу Али китобни бошидан охиригача varaқлаб кўриб чиқди ва эгасига қайтарди.

Уша кун олим ўз китобини подшоҳга (Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурга) совға қилди. Амир сўради:

— Бу китобни ким ёзган?

— Буни камина ёзганман, — деди ҳалиги олим.

Ибн Сино кулимсираб:

— Йўқ, бу китобни мен ёзганман, — деди.

Подшоҳ ажабланиб сўради:

— Буни қандай исботлайсиз?

Ибн Сино китобнинг мазмунини бошдан охиригача ёддан айтиб берди.

Ҳалиги олим подшоҳ олдида хижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди.

Подшоҳ китоб муаллифини койиди:

— Нечун ёлгон гапирдинг?

Ҳалиги олим куйиниб, ўзини оқлай бошлади.

— Бу китобни, ахир, мен ёзганман.

Подшоҳ ибн Синога савол назари билан қаради.

Ибн Сино жавоб берди:

— Олий ҳазрат, афв этинг. Бу китобни шу олим ёзган. Мен фақат унинг китобини бир varaқлаб чиқиб ёдлаб олган эдим.

Подшоҳнинг чиройи очилиб, ҳар икки олимни мақтади.

Абу Али бир кун подшоҳ хузурига кирса, ҳазрати олийлари дурбинда узоқни кузатаётган экан. Ибн Сино сўради:

— Подшоҳимга нима учун дурбин керак бўлиб қолди?

Подшоҳ унга тушунтирди:

— Икки фарсанг нариша бир отлик келаётир. У киши ширин таом еган экан.

Подшоҳ ажабланиб сўради:

— Буни қаердан билдингиз?

Ибн Сино жавоб берди:

— Бу отлиқнинг ширин таом еганини унинг оғзи атрофида ўралашган пашшалардан билдим.

У одам яқин келиб салом берганида подшоҳ ундан сўради:

— Яқинда қандай таом еган эдинг?

У киши жавоб берди:

— Ҳолва еган эдим ҳазрати олийлари.

КИМНИНГ КЎЗИ ЎТКИР?

— Бу дурбин орқали икки фарсанг (икки фарсанг — 12 километр) узоқликда кимлар келаётганини кўриш мумкин.

Ибн Сино айтди:

— Икки фарсанг узоқликда ким келаётганини мен дурбинсиз ҳам кўра оламан.

Подшоҳ «Қани, айтинчи!» деб сўради. Ибн Сино айтди:

— Бу дурбин орқали икки фарсанг (икки фарсанг — 12 километр) узоқликда кимлар келаётганини кўриш мумкин.

Ибн Сино айтди:

— Икки фарсанг узоқликда ким келаётганини мен дурбинсиз ҳам кўра оламан.

Подшоҳ «Қани, айтинчи!» деб сўради. Ибн Сино айтди:

Биласизми?

Инсон танасида 1000 мг ҳар хил микроб ва паразитлар бўлар экан.

Инсон ақлий жиҳатдан қанчалик етук бўлса, бош мия касалликларига шунчалик кам чалинар экан. Бунга сабаб интеллектуал фаоллик кўшимча тўқималар ишлаб чиқаришни тезлаштиради ва зарарланган тўқималарнинг ўрнини тўлдирди.

Кун давомида икки марта жилмайиш қон босимини пастайтиради экан.

Инсон гаплашганда унинг 72 мушаклари ҳаракатга келади.

Инсоннинг бутун ҳаёти давомида сочлари ўртача 950 километр ўсар экан.

Кўл тирноқлари оёқ тирноқларига қараганда тўрт марта тез ўсади.

Тери инсон организмдаги энг катта аъзодир.

Сиз қанчалик кўп есангиз эшитиш қобилиятингиз шунчалик ёмонлашар экан.

Одам овқатсиз 30-40 кун, сувсиз 3-5 кун, ҳавосиз 3-6 дақиқа яшashi мумкин.

Инсон кўзи 10 мингга яқин рангни фарқлай олиши мумкин.


Мовий кўзлар оғриққа бошқалардан кўра таъсирчанроқ бўлишади.

Ўқинг, бу қизиқ!

Кўп асрлик тиббиёт тарихида шундай воқеа-ҳодисалар рўй берганки, улар қизиқ ва ноодатийлиги билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

► Инсон танасидаги энг юқори ҳарорат 1980 йил 10 июлда АҚШдаги «Грейди Мемориал» госпиталида кузатилган. Ушанда 52 ёшли Уилли Джонснинг тана ҳарорати 46,5 градус цельсийни кўрсатган. Унинг бахтига хавф ортда қолиб, 24 кун ўтгандан кейингина госпиталдан чиқишга муваффақ бўлган.

► 1994 йил 23 февралда эса шифокорлар яна бир ҳайратланарли ҳолатга дуч келишди. Канадалик икки ёшли Карли Казолофскининг тана ҳарора-



ти рекорд даражада пастга тушиб кетган. Яъни 14,2 градус цельсийни кўрсатган. Бунга сабаб у яшаб турган уйнинг эшиги тасодифан ёпилиб, қизча икки соат мобайнида 22 градус совуқда қолиб кетган.

► Ўтган асрда кўпгина ривожланган давлатларда энди туғилган болалардан кўричакни олиб ташлаш амалиёти фаоллашганди. Яқин-яқин вақтларда эса кўричак ҳам инсон организми учун зарур аъзо эканлиги, у кераксиз қолдиқ эмаслиги аниқланди. У инсон иммун тизимида муҳим роль ўйнаётган экан.

► Африкада яшайдиган До-рилул номли чумолининг жағлари шунчалик бақувватки, маҳаллий аҳоли вакиллари ундан жарроҳлик мақсадида фойдаланишади. Аҳоли уни тутиб, яраланган, кесилган жойга яқинлаштиради. Ҳимоя рефлексига туфайли чумоли жароҳатни тишлайди, яъни қисади. Шу пайт бош қисми қолдирилиб, қолган аъзоси узиб ташланади. Шу йўсинда ўнлаб чумолилар кесилган жойга териб чиқилади. Қарабсизки, жароҳат чумоли бошлари ёрдамида «ти-килади».

► Буюк Британиялик Сэмюэл Дэвидсон тарихда энг кўп миқдорда укол олган шахс сифатида қолди. Қанд касали бўлган мазкур бемор ҳаёти давомида 78 900 инсулин инъекциясини қабул қилган.

► АҚШлик Чарльз Йенсен 1954 йилдан 1994 йилгача бўлган ораликда 970 марта жарроҳлик операцияларини ўтказган.



ХАНДАЛАР



Шифокор нархоздан кейин ўзига келаётган беморга деди:

— Операция вақтида ўзингизни яхши тутдингиз. Лекин унча шифохонани бошингизга кўтардингиз: бақирдингиз, ходимларни силтаб ташладингиз. Сизнинг ёнингизда ётган бемор эса сиздан ҳам баттар жазавога тушди.

— Яна нима қилишимиз керак эди? Ахир, биз шифохонага деразаларни ювиш учун келгандик-ку!

— Доктор, сиз менга қандай аҳмоқона муолажани буюрдингиз?

— Нимаси аҳмоқона: ётиш олдида иккита халдори ва қайноқ ванна қабул қилишни буюргандим.

— Дорига-ку чидаса бўлади. Лекин ванна нимага керак? Биринчи 10 литрни ичганимдан кейин қусиб юбораяпман...

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHIRIYATI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari —
Qobiljon SHOKIROV

Mas'ul kotib v.b. —
Zokir BOLTAYEV

Navbatchi —

Foziljon MAMASHARIPOV

Sahifalovchi —

Rustam ISOQULOV

Matn ko'chiruvchi —

Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 254-18-79.



Tahririyat hisob raqami
2021000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-4341. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 69520 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Bosishga topshirish vaqti — 22.00. Bosishga topshirildi — 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.